


Махсус иқтисодий зона, кичик саноат зонаси, технопарк ва кластерлар фаолияти
2025 йил январь-декабрь ойлари учун

- I. МИЗ, КСЗ, технопарк ва кластерлар ҳамда уларнинг иштирокчилари сони
- II. МИЗ, КСЗ, технопарк ва кластерларнинг асосий кўрсаткичлари
- III. МИЗ, КСЗ, технопарк ва кластерларнинг иқтисодий кўрсаткичлари
- IV. АТ парки иштирокчилари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари
- V. МИЗ ва КСЗ таркибига кирувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)лар ҳажмининг фаолият турлари бўйича улуши
- VI. МИЗ, КСЗ, технопарк ва кластерлар иштирокчилари статистикаси бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

I. МИЗ, КСЗ, технопарк ва кластерлар ҳамда уларнинг иштирокчилари сони¹

2026 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, республикада иштирокчиси мавжуд махсус иқтисодий зоналар сони 31 та (кейинги ўринларда – МИЗ), кичик саноат зоналари сони 423 та (кейинги ўринларда – КСЗ), технопарклар сони 32 та ҳамда кластерлар сони 361 та (кейинги ўринларда – кластер) бўлиб, уларнинг таркибидаги корхоналар сони МИЗда 1 127 та, КСЗда 3 272 та, технопаркларда 3 803 та ва кластерларда 392 тага етди.

МИЗ, КСЗ, технопарк ва кластерлар иштирокчилари сони
бирликда



¹ МИЗ, КСЗ, технопарк ва кластерлар сони уларнинг иштирокчилари бўлган ҳамда лойиҳаси ишга туширилган корхоналар бўйича шакллантирилган.

II. МИЗ, КСЗ, технопарк ва кластерларнинг асосий кўрсаткичлари

2025 йил январь-декабрь ойларида

	Ўлчов бирлиги	МИЗ	КСЗ	Технопарк	Кластер
Амалдаги нархларда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулот (иш, хизмат)лари ҳажми (ҚҚС ва акцизсиз)	млрд сўм	61 823,4	18 096,0	2 492,7	37 023,4
Асосий капиталга инвестициялар ҳажми	млрд сўм	15 490,1	1 325,6	921,7	3 366,8
Ўз кучи билан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми	млрд сўм	246,5	777,0	1 340,8	28,2
Кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми (ҚҚС ва акцизсиз)	млрд сўм	2 768,2	1 130,1	33 769,0	624,7
Ҳисобот даври охирида ходимлар сони	киши	54 306	40 021	54 833	53 963
Ҳисобот даврида янги очилган иш ўринлари сони	ўрин	18 178	10 665	24 122	11 739
Ҳисобот даври охирида иш ўринлари сони	ўрин	58 137	43 887	58 051	56 555
Хизматлар экспорти ҳажми	минг АҚШ доллари	8 517,5	3 117,9	728 711,0	1 935,8
Хизматлар импорти ҳажми	минг АҚШ доллари	23 068,1	4 794,2	250 299,3	5 442,1
Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар (-))	млрд сўм	364,2	836,0	8 432,1	-4,5

III. МИЗ, КСЗ, технопарк ва кластерларнинг иқтисодий кўрсаткичлари

МИЗ, КСЗ, технопарк ва кластерлар таркибига кирувчи корхоналар томонидан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми МИЗ таркибидаги корхоналарда 61 823,4 млрд сўмни, КСЗ таркибидаги корхоналарда 18 096,0 млрд сўмни, технопарклар таркибидаги корхоналарда 2 492,7 млрд сўмни ва кластерлар таркибидаги корхоналарда 37 023,4 млрд сўмни ташкил қилди.

Энг юқори саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми махсус иқтисодий зона таркибидаги корхоналар ҳиссасига тўғри келган бўлиб, 61 823,4 млрд сўмни ташкил этган ҳамда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 39,9 % га ошган.

Таққослаш учун: 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми МИЗ таркибидаги корхоналарда 44 182,5 млрд сўмни, КСЗ таркибидаги корхоналарда 15 294,3 млрд сўмни ва технопарклар таркибидаги корхоналарда 1 379,9 млрд сўмни ва кластерлар таркибидаги корхоналарда 36 372,6 млрд сўмни ташкил қилган.

**МИЗ, КСЗ, технопарк ва кластерлар таркибига кирувчи корхоналар
томонидан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми**



Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Кластерлар томонидан амалдаги нархларда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулот \(иш, хизмат\)лари ҳажми \(ҚҚС ва акцизсиз\)](#)

[КСЗ иштирокчилари томонидан амалдаги нархларда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулот \(иш, хизмат\)лари ҳажми \(ҚҚС ва акцизсиз\)](#)

[Махсус иқтисодий зоналар томонидан амалдаги нархларда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулот \(иш, хизмат\)лари ҳажми \(ҚҚС ва акцизсиз\)](#)


[Технопарк иштирокчилари томонидан амалдаги нархларда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулот \(иш, хизмат\)лари ҳажми \(ҚҚС ва акцизсиз\)](#)

**МИЗ, КСЗ, технопарк ва кластерлар таркибига кирувчи
корхоналар томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми**

Ўз кучи билан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми МИЗ таркибидаги корхоналарда 246,5 млрд сўмни, КСЗ таркибидаги корхоналарда 777,0 млрд сўмни, технопарклар таркибидаги корхоналарда 1 340,8 млрд сўмни ҳамда кластерлар таркибидаги корхоналарда 28,2 млрд сўмни ташкил қилди.

Ўз кучи билан бажарилган қурилиш ишларининг энг юқори ҳажми технопарклар таркибидаги корхоналар ҳиссасига тўғри келган бўлиб, 1 340,8 млрд сўмни ташкил этган ҳамда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **2,4 баробарга** ошган.

**МИЗ, КСЗ, технопарк ва кластерлар таркибига кирувчи корхоналар
томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми**



Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Кластерлар томонидан амалдаги нархларда ўз кучи билан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми \(ҚҚС ва акцизсиз\)](#)

[КСЗ иштирокчилари томонидан амалдаги нархларда ўз кучи билан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми \(ҚҚС ва акцизсиз\)](#)

[Махсус иқтисодий зоналар томонидан амалдаги нархларда ўз кучи билан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми \(ҚҚС ва акцизсиз\)](#)


[Технопарк иштирокчилари томонидан амалдаги нархларда ўз кучи билан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми \(ҚҚС ва акцизсиз\)](#)

МИЗ, КСЗ, технопарк ва кластерлар таркибига кирувчи

корхоналар томонидан асосий капиталга инвестициялар ҳажми

Молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан асосий капиталга инвестициялар ҳажми МИЗ таркибидаги корхоналарда 15 490,1 млрд сўмни, КСЗ таркибидаги корхоналарда 1 325,6 млрд сўмни, технопарклар таркибидаги корхоналарда 921,7 млрд сўмни ва кластерлар таркибидаги корхоналарда 3 366,8 млрд сўмни ташкил этган.

МИЗ, КСЗ, технопарк ва кластерлар таркибига кирувчи корхоналар томонидан асосий капиталга инвестициялар ҳажми



Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Кластерлар бўйича молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан асосий капитал инвестициялари ҳажми](#)

[КСЗ иштирокчилари бўлган корхоналарни молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан асосий капитал инвестициялари ҳажми](#)

[МИЗ иштирокчилари бўлган корхоналарни молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан асосий капитал инвестициялари ҳажми](#)


[Технопарк иштирокчилари бўлган корхоналарни молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан асосий капитал инвестициялари ҳажми](#)

МИЗ, КСЗ, технопарк ва кластерлар таркибига кирувчи корхоналарнинг молиявий натижалари

Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар (-)) миқдори МИЗ таркибидаги корхоналарда 364,2 млрд сўмни, КСЗ таркибидаги корхоналарда 836,0 млрд сўмни, технопарклар таркибидаги корхоналарда 8 432,1 млрд сўмни ва кластерлар таркибидаги корхоналарда (- 4,5) млрд сўмни ташкил этди.

Таққослаш учун: 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар (-)) миқдори МИЗ таркибидаги корхоналарда 1 745,5 млрд сўмни, КСЗ таркибидаги корхоналарда 659,3 млрд сўмни, технопарклар таркибидаги корхоналарда 5 364,9 млрд сўмни ва кластерлар таркибига кирувчи корхоналарда (- 612,6) млрд сўмни ташкил этган.

МИЗ, КСЗ, технопарк ва кластерлар таркибига кирувчи корхоналарнинг молиявий натижалари



Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Кластерлар бўйича фойда солиғини тўлагунга қадар фойдаси \(зарари\)](#)

[КСЗ иштирокчилари бўлган корхоналарнинг фойда солиғини тўлагунга қадар фойдаси \(зарари\)](#)

[МИЗ иштирокчилари бўлган корхоналарнинг фойда солиғини тўлагунга қадар фойдаси \(зарари\)](#)


[Технопарк иштирокчилари бўлган корхоналарнинг фойда солиғини тўлагунга қадар фойдаси \(зарари\)](#)

МИЗ, КСЗ, технопарклар ва кластерлар таркибига кирувчи корхоналарнинг дебитор ва кредитор қарздорлиги

2026 йил 1 январь ҳолатига кўра, дебитор қарздорлик миқдори МИЗ таркибидаги корхоналарда 22 826,5 млрд сўмни, КСЗ таркибидаги корхоналарда 1 910,3 млрд сўмни, технопарклар таркибидаги корхоналарда 5 401,7 млрд сўмни ва кластерлар таркибидаги корхоналарда 4 706,9 млрд сўмни ташкил этди.

Кредитор қарздорлик миқдори МИЗ таркибидаги корхоналарда 27 923,2 млрд сўмни, КСЗ таркибидаги корхоналарда 2 807,3 млрд сўмни, технопарклар таркибидаги корхоналарда 5 445,9 млрд сўмни ва кластерлар таркибидаги корхоналарда 6 444,9 млрд сўмни ташкил этди.

МИЗ, КСЗ, технопарк ва кластерлар таркибига кирувчи корхоналарнинг молиявий натижалари



млрд сўмда

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Кластерлар бўйича ҳисобот даври охирига дебитор қарзлари](#)
[КСЗ иштирокчилари бўлган корхоналарнинг ҳисобот даври охирига дебитор қарзлари](#)
[МИЗ иштирокчилари бўлган корхоналарнинг ҳисобот даври охирига дебитор қарзлари](#)
[Технопарк иштирокчилари бўлган корхоналарнинг ҳисобот даври охирига дебитор қарзлари](#)
[Кластерлар бўйича ҳисобот даври охирига кредитор қарзлари](#)
[КСЗ иштирокчилари бўлган корхоналарнинг ҳисобот даври охирига кредитор қарзлари](#)
[МИЗ иштирокчилари бўлган корхоналарнинг ҳисобот даври охирига кредитор қарзлари](#)
[Технопарк иштирокчилари бўлган корхоналарнинг ҳисобот даври охирига кредитор қарзлари](#)

**МИЗ, КСЗ, технопарклар ва кластерлар бўйича республикадан ташқари
(экспорт)га юклаб жўнатилган саноат маҳсулот (товар ва хизмат)лари ҳажми**

Республикадан ташқари (экспорт)га юклаб жўнатилган саноат маҳсулот (товар ва хизмат)лари ҳажми МИЗ таркибидаги корхоналарда 9 295,6 млрд сўмни, КСЗ таркибидаги корхоналарда 4 538,9 млрд сўмни, технопарклар таркибидаги корхоналарда 306,6 млрд сўмни ва кластерлар таркибидаги корхоналарда 3 612,1 млрд сўмни ташкил этди.

IV. АТ парки иштирокчилари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари

2025 йилнинг январь-декабрида, АТ парки иштирокчиларининг хизматлар экспорти ҳажми 728,4 млн АҚШ долларини ташкил этиб, 2024 йилнинг тегишли даврига нисбатан 273,5 млн АҚШ долларига кўпайган.

2025 йилнинг январь-декабрида, АТ парки иштирокчиларининг хизматлар импорти ҳажми 247,8 млн АҚШ долларини ташкил этган.

2025 йилнинг январь-декабрида, АТ парки иштирокчилари томонидан кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 32 126,4 млрд сўмни ташкил этди. 2024 йилнинг тегишли даврига нисбатан 12 561,0 млрд сўмга ошган.

2025 йилнинг январь-декабрида, АТ парки иштирокчилари бўйича молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан асосий капиталга инвестициялар ҳажми 599,4 млрд сўмни ташкил этиб, 2024 йилнинг тегишли даврига нисбатан 270,3 млрд сўмга ошган.

АТ парки иштирокчиларининг асосий кўрсаткичлари


	Ўлчов бирлиги	2024 йил январь-декабрь ойларида	2025 йил январь-декабрь ойларида
Хизматлар экспорти ҳажми	млн АҚШ доллари	454,9	728,4
Хизматлар импорти ҳажми	млн АҚШ доллари	125,5	247,8
Кўрсатилган бозор хизматлари (ҚҚС ва акцизсиз) ҳажми	млрд сўм	19 565,4	32 126,4
Асосий капиталга инвестициялар ҳажми	млрд сўм	329,1	599,4
Ҳисобот даври охирида иш ўринлари сони	ўрин	37 274	48 776

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[АТ парки иштирокчиларининг хизматлар экспорти ҳажми](#)
[АТ парки иштирокчиларининг хизматлар импорти ҳажми](#)
[АТ парки иштирокчиларида ишлаб чиқарилган \(кўрсатилган\) хизматлар\(ҚҚС ва акцизсиз\) ҳажми](#)
[АТ парки иштирокчилари бўйича молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан асосий капиталга инвестициялар ҳажми](#)

V. МИЗ ва КСЗ таркибига кирувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)лар ҳажмининг фаолият турлари бўйича улуши

МИЗ таркибига кирувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот
(иш, хизмат)лар ҳажмининг фаолият турлари бўйича улуши



КСЗ таркибига кирувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)лар ҳажмининг фаолият турлари бўйича улуши





VI. МИЗ, КСЗ, технопарк ва кластерлар иштирокчилари статистикаси бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

Махсус иқтисодий зона – тегишли ҳудудни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун чет эл инвестициялари ва маҳаллий инвестицияларни, юқори технологиялар ҳамда бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида махсус ажратилган, белгиланган чегараларга ва махсус ҳуқуқий режимга эга бўлган ҳудуд.

Кичик саноат зонаси – аниқ ер участкасини ўз ичига олган ҳудуд бўлиб, баъзи ҳолларда – муҳандислик-техник коммуникациялар билан таъминланган ишлаб чиқариш майдонлари.

Технопарк – ўзаро, давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик қилувчи, тадбиркорлик, инвестиция фаолиятини ва илмий фаолиятни юритиш мақсадида замонавий технологик ва ташкилий муҳитни шакллантирувчи илм-фан ва таълимнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлари, молия институтлари ва тадбиркорларнинг интеграциялашуви шакли.

Кластер – мева-сабзавот ва қишлоқ хўжалиги ресурсларини етиштириш ва чуқур қайта ишлаш, чорвачилик, балиқчилик ва бошқа комплексларни яратиш, рақобатбардош юқори технологияли ва экспортбоп тўқимачилик, озиқ-овқат ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакли.

